



CURRENT TRENDS IN THE FIGHT AGAINST RELIGIOUS EXTREMISM AND TERRORISM

Nasrieva Dilnoza Narzullovna

Freelance researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13884266>

ARTICLE INFO

Received: 25th September 2024

Accepted: 29th September 2024

Online: 30th September 2024

KEYWORDS

Society, religious, extremism, terrorism, combat, civil, international, cooperation, prevention, prevention.

ABSTRACT

This article analyzes the issues related to the current trends in the fight against religious extremism and terrorism. Also, the article examines the negative situations of religious extremism and terrorism in our society and issues of solving strategic problems in its prevention.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В БОРЬБЕ С РЕЛИГИОЗНЫМ ЭКСТРЕМИЗМОМ И ТЕРРОРИЗМОМ

Насриева Дильноза Нарзуллоевна

независимый исследователь

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13884266>

ARTICLE INFO

Received: 25th September 2024

Accepted: 29th September 2024

Online: 30th September 2024

KEYWORDS

Общество, религиозный, экстремизм, терроризм, борьба, гражданский, международный, сотрудничество, профилактика, предотвращение.

ABSTRACT

В данной статье анализируются вопросы, связанные с современными тенденциями борьбы с религиозным экстремизмом и терроризмом. Также в статье рассматриваются негативные ситуации религиозного экстремизма и терроризма в нашем обществе и вопросы решения стратегических задач по их предотвращению.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗИМГА ҚАРШИ ҚУРАШНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Насриева Дилноза Нарзуллоевна

Эркин тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13884266>

ARTICLE INFO

Received: 25th September 2024

Accepted: 29th September 2024

Online: 30th September 2024

ABSTRACT

Мазкур мақолада диний экстремизм ва терроризмга қарши қурашнинг долзарб



KEYWORDS

Жамият, диний, экстремизм, терроризм, қарши кураш, фуқаролик, халқаро, ҳамкорлик, олдини олиш, профилактика.

йўналишлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада жамиятимиздаги диний экстремизм ва терроризмнинг салбий ҳолатлари ва уларнинг олдини олишда стратегик муаммоларни ҳал этиш масалалари ҳам ўрганилган.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада дуч келиш мумкин. Бу жиноятлар сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. Ҳатто, айрим сиёсатчилар томонидан терроризмга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади. Ушбу масала мураккаб ва ечими қийин бўлиб, унга жамиятдаги бир касаллик деб қаралади¹.

Терроризм келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг. Диний экстремизм, терроризм давлатнинг турли тузилмаларига, жумладан, ҳуқуқ тизими, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун халқаро миқёсда терроризмга қарши курашиш борасида бир қанча ишлар бажарилган ва ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Терроризмга қарши конвенция”си(2008 йил 31 октябр), “Ядровий терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги БМТ декларацияси(2005 йил 16 декабр), Европа Кенгашининг “Терроризмни молиялаштиришга нисбатан жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги конвенцияси (1999 йил 27 январь), шунингдек, 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган терроризмга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режаси (2003 йил 10 сентябрь, Истанбул) терроризмга қарши халқаро курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Юртимизда мазкур муаммонинг долзарблилиги ҳис этилиб, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бир қанча норматив ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни (2000 йил 15 декабрь), Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни (2004 йил 26 август), Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги (2018 йил 30 июль) Қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, бу билан бевосита ва билвосита шуғулланувчи ташкилотлар фаолият юритмоқда. Миллий қонунчилигимизда диний экстремизм ва терроризмнинг турли йўналишларига қарши курашга йўналтирилган нормалар мустаҳкамланган.

Жумладан, терроризм, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар бермаслик, терроризмни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>



молиялаштириш, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш каби жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунга қарамай бу муаммо ҳанузгача долзарблигича қолмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур мавзу бўйича ҳамда ушбу иллатнинг криминологик тавсифи жиҳатидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро шартномалар билан бир қаторда миллий ҳуқуқшунос олимларимиздан О.Юсупов, А.Хасанов, А.Очилдиев, Н.Жўраев, А.Закурлаев, Б.Ахунов, К.Шермухамедов, Ж.Каримов, И.Исмаилов, У.Мамадалиев, К.Комилов, Ў.Ҳасанбоев, Г.Кремер², шунингдек, чет эл ҳуқуқшунос олимларидан А.Г.Залужный, В.С.Овчинский, О.А.Акопян, В.Л.Сергеевнин, М.Олбрайт, С.С.Галченко, В.М.Морозов, М.В.Харкевич, А.Е.Ефремов³ тадқиқот ишлари олиб бориб, ўз китобларида ёритиб ўтишган.

Бундан ташқари, У.Қўшаев, А.Аҳмедов, А.Тулепов, Б.О.Тураев, А.Қодиров, О.Большаков, Р.Виланд, Ш.Жўраев, Ж.Мелиқўзиев, З.Мунавваров, Ҳ.Мустафо, Г.Аустин, Имора Муҳаммад каби миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг монография, мақола, диссертация ишларида терроризм тавсифини, унга қарши кураш усуллари ҳар томонлама ёритиб ўтишган⁴.

Маълумки, Ўзбекистон давлати мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини аниқ ва қатъий белгилаб олинди. Давлатнинг динга муносабати

²Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга юз жавоб) /Масъул муҳаррир О.Юсупов. –Т.: Тошкент ислом университети, 2019.- 156 б. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. –Т.: Тошкент ислом университети, 2019. -246 б. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Хасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов ва бошқ. – Т.: Моварауннаҳр, 2013. – 160 б. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар: Ўқув қўлланма. –Т.: 2010. –Б. 28. Закурлаев А. Ўзбекистонда ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар ва бу ташкилотларни аниқлашда ҳуқуқни мўҳофаза қилувчи идораларнинг вазифалари ва жамият ташкилотлари билан ҳамкорлик: Услубий қўлланма. – Т., 2017. Закурлаев А., Ахунов Б. Диний экстремизм ва террорчилик. –Т., Янги аср авлоди, 2014.- Б. 66. Ислом инқилоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) / Шермухамедов К., Каримов Ж. – Т.: Моварауннаҳр, 2014. – 160. б. Исмаилов И., Мамадалиев У. Диний экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – 2013. 4-сон. – Б. 50-53. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид: Маърифий – услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2019. Кремер Г. Ислом – дин ва давлат: исломда дин, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2013. – Б. 102.

³ Злужный А.Г. Право. Религия. Закон. М.: Издательский дом “Научная книга”, 2018. Овчинский В.С., Кочубей М.А. Экстремистские организации в США // Журнал российского права. 2019. №6. Сергеевнин В.Л. Антитеррористические стратегии местной полиции и проблема расового профилирования в США / Стратегия национальной безопасности Российской Федерации: теория и практика реализации. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. Владимир, 2012. Акопян О.А. Противодействие терроризму. Зарубежный опыт.URL: <http://www.nirsi.ru/68>. Олбрайт М. Религия и мировая политика. Пер. с англ. М.: Альпина Бизнес букс.2017. Галченко С.С. Понятие терроризма в уголовном праве Англии, США и стран континентальной Европы // Общество и право.2013. № 1 (43). С. 122-124. Ефремов А.Е. Этапы развития законодательства и сравнительного правоведения.2017. № 3 (64). С. 125-135. Морозов В.М. Израиль и средиземноморская безопасность // Международные процессы.2012. Т.10. № 30. С.91-97. Харкевич М.В., Касаткин П.И. Биополитика и религия в эпоху постмодерна // Вестник МГИМО Университета. 2011. № 6. С. 217-222.

⁴Тинчликни асраш – муқаддас бурч / У.Қўшаев, А.Аҳмедов, Ш.Жўраев ва б.; / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. –Т.: Тошкент ислом университети, 2009.- 32 б. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Т.:Шарқ, 2014. – 536 б. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – 552 б. Большаков О. История халифата. Т1 – М.: Восточная литература, 2002. –С.94. Виланд Р. Давлат ва дин бирлиги исломнинг катъий талабими? // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. –Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. –Б. 73. Шўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 40 б. Муҳаммад Имора. Ал-Ислам вал ақаллият // Фикр ал-муслим ал-муасир. – Қоҳира: Марказ ал-Аҳром. 1992. –Б. 76-80. Austin,G.(2018). Extremist or terrorist: spot the difference. Australian Strategic Policy Institute.



“Инсон эътиқодсиз яшай олмайди”, “Дунёвийлик – дахрийлик эмас”, деган аниқ тамойиллар асосида белгиланди. Бу тамойил бош қомусимиз Конституция ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎРҚ-699-сонли Қонунда ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган⁵.

Жумладан, мазкур Қонунинг 4-моддасида виждон эркинлигини таъминлаш масаласи назарда тутилган бўлиб, **“Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.**

Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаганларни уларнинг хоҳиш-иродасига, ота-онасининг ёки қонуний вакиллариининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ўз динига эътиқод қилиш ёки ишониш эркинлигига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган чекловлар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи туҳматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди⁶”, деб берилган.

Бизга маълумки, республикада мавжуд динлар орасида исломнинг мавқеи ниҳоятда катта. Хусусан, ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг сони 34 млн.дан ошган бўлиб, улар 130 дан зиёд миллатга мансуб ҳисобланади. Фуқароларнинг 94% дан зиёди ислом динига эътиқод қилади. Шу боис, ислом дини давлатимиз туб халқларининг тарихига, ўтмиш меросига, маданиятига, руҳиятига чуқур сингиб кетган. Ислом дини қадриятлари мамлакатимиздаги рўй бераётган маънавий янгилиниш жараёни ва миллий ғоя мезони шаклланишининг энг муҳим омилларидан биридир.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда.

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5491534>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5491534>



Афсуски, коммуникация ва информацион технологияларнинг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайишига тўртки бўлиб, геосиёсий мақсадларга бўйсиндирилган, инсон қалби ва онги учун курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Аксарият ҳолатларда ушбу кураш қуролли тус олиб, кўплаб халқларнинг бошига фожиали кунларни солмоқда.

Дарҳақиқат ҳозирги кунга келиб диний-экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Аввало, барча экстремистик ташкилотлар бир тадқиқот марказлари, таъбир жоиз бўлса, “ғоявий лаборатория”лар маҳсули эканини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Биринчи гуруҳ қаторига “Таблиғчилар” жамоаси ташкилотини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳлар қаторига “Нурчилар”, “Ҳизбут-тахрир” каби диний-экстремистик ташкилотларни киритиш мумкин. Учинчи гуруҳга эса барча жиҳодий, сохта “салафий” жамоалар киради.

Диний-экстремистик руҳдаги террорчи ташкилотларнинг стратегик мақсадлари, аввало, гўёки, шариатга асосланган давлат тузиш бўлиб, бу бир неча босқичда амалга оширилиши режалаштирилган.

Биринчи босқичда аҳолини кенг кўламда “исломийлаштириш” назарда тутилади. Бунда, аввало, диний илми саёз бўлган кишилар орасида исломнинг фарзларига амал қилиш лозимлиги, бу ишларни бажармаганлар мусулмончиликдан чиқиши уқтирилади. Шу билан бирга, яширин “хужралар” тузиш ва уларда ўқиётганларга, диний таълим ниқоби остида, ўз қарашларини сингдириш ишлари олиб борилади. Бир қарашда бундай “даъват”дан ҳеч қандай зарар йўқдек кўриниши мумкин, аслида эса бу “чуқур ўйланган стратегия”нинг бир қисмидир.

Иккинчи босқичда энди “исломийлаштирилган” аҳолида ҳукумат, мавжуд конституциявий тузум, расмий диний тузилмалар ва уламоларга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва шу орқали ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш кўзланади. Унда аҳоли орасида “имонли” ва “имонсиз”, “мусулмон” ва “кофир”, “ислом диёри” ва “куфр диёри” каби тушунчаларни кенг ёйиш, диний экстремистик руҳдаги варақа, адабиёт, видео ва аудио тасмаларни тарқатиш орқали динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш асосий мақсад ҳисобланади.

Учинчи босқичга келиб, тўпланган “жамоат”ни мавжуд ҳукуматни ағдариш ва “ислом давлатини” тузишга даъват этилади. Бунда, “жиҳод”, “шаҳидлик” ғояларини тарғиб қилиш, яширин гуруҳлар тузиш ва унинг аъзоларини махсус (даъват, кўпоровчилик ва ҳ.к.) тайёргарликдан ўтказиш, аёллардан иборат ячейкаларни кучайтириш ва охир-оқибат террор воситаларидан фойдаланган ҳолда мақсадга эришиш кўзланади.

Таҳлил республикаимизга турли ДЭО тарафдорлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказиш учун республикаимиз ҳудудига диний экстремистик мазмундаги маҳсулотларни олиб киришга қаратилган ҳаракат фаоллашаётганидан далолат беради. Биргина жорий йилнинг 1 июнига қадар ўтган давр ичида Дин ишлари бўйича қўмитанинг экспертиза бўлимига турли давлат идоралари томонидан 800 дан зиёд



диний мазмундаги материаллар тақдим этилди. Ушбу материалларнинг салмоқли қисмини ақидапарастлик ғоялари йўғирилган маҳсулотлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти ҳозирги кунда Ироқ ва Сурияда фаолият юритаётган террористик ташкилотлар сафига қўшилишни даъват этувчи чақириқлар ва видеороликлар ташкил этади.

Айни вақтда, бундай материаллар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлган олинганлар ичида энди вояга етган ўсмирлар мавжуд экани биздан алоҳида эътибор талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан, мустақил ҳаётни бошлаётган ёшларимизни турмушда уларни оғир синовлар кутиб тураётгани, хусусан, бизнинг юртимиз, халқимизга дўст бўлмаган, сохта ғоялар билан ҳали ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ўсмирларимизни оиласи ва Ватанидан айриб олиб, ўз манфаатлари йўлида қурбон қилишдек ғараз мақсадлар эга кучлар борлигидан огоҳлантиришимиз бизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Диний экстремистик оқимларнинг жамиятимиз барқарорлигига таҳдиди республикамиздаги ижтимоий сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни қуролли тўқнашувлар рўй бераётган ҳудудларда фаолият юритаётган террористик гуруҳларга жалб қилиш каби ҳаракатларда, шунингдек, мамлакатимизда террорчилик ҳаракатлари содир этиш учун суқилиб киришга уринишларда намоён бўлмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ҳушёрликни қўлдан бой бермаслик, ҳамиша огоҳ бўлиб яшаш заруратини яна бир марта кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро майдонда кўп ва икки ёқлама ҳамкорликни кучайтириш, БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг фаолиятини самарадорлигини ошириш масаласини қатъий қилиб кун тартибига қўймоқда.

Маълумки, Ўзбекистон қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномаларни бажаришда фаол қатнашиб келмоқда. Терроризмга қарши кураш, уни бартараф этиш масалаларига оид сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар БМТ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доираларида имзоланган.

Ҳозирда Ўзбекистон БМТнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган асосий 13 та ҳужжатини ратификация қилган. БМТ Хавфсизлик кенгаши Аксилтеррористик қўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги халқаро ҳамкорлиги юксак баҳоланади.

Шунингдек, Ўзбекистон АҚШ, Россия, Хитой, Марказий Осиё республикалари каби қатор мамлакатлар билан халқаро терроризмга қарши курашда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўз навбатида, жамиятимизда диний экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалишини олдини олишда профилактик ва тушунтириш ишлари савияси ва таъсирчанлигини тизимли равишда кучайтириб бориш бугунги куннинг ҳаётини муҳим масаласига айланди.

Ҳозирги кунда республикамизда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда давлат ва фуқаролик жамиятининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилган.



Давлат амалдаги қонунларимизга зид равишда конституцион тузумга қарши гуруҳларнинг фаолиятини аниқлайди ва уларга чек қўяди.

Таъкидлаш жоизки, ДЭО аъзолари диний эътиқоди ёки дунёқараши учун эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ва бошқа қонунларимизда аниқ белгиланган жиноий ишларни содир этгани ва қонунбузарлиги учун жазога тортилади. Алданиб оқимга кириб қолган шахс ўз вақтида хатосини англаб етиб, пушаймон бўлса ва жиноятни очишга ёрдам берса, Жиноят Кодексининг тегишли моддасига кўра жавобгарликдан озод этилади.

Жамият ОАВ, маънавият йўналишда фаолият юритадиган тузилмалар, жамоат ва диний ташкилотлар орқали фуқароларни ақидапараст ғояларнинг таъсирига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган профилактик ва тушунтириш ишларини амалга оширади.

Хоссатан, Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғиботи маркази давлат идоралари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида дастур асосида тизимли фаолият юритмоқдалар. Тарғибот ва тушунтириш ишлари ОАВ, Интернет, теле ва радиодастурлардаги чиқишлар, ўқув муассасалари, маҳалла фуқаро йиғинлари, турли ташкилот ва корхоналарда маърифий тадбирлар ўтказиш шаклларида амалга оширилмоқда.

Олимлар ва уламоларимиз, соҳа мутахассислари томонидан ақидапарастликнинг турли кўринишларини фош этувчи қўлланмалар нашр этилиб, аҳолининг кенг қатламлари ичида тарқатилмоқда.

Уламоларимиз жума маърузаларида, чегара ҳудудларда даврий равишда ташкил этилаётган учрашувларда мутаассиб даъватчиларнинг сохта даъволарини далиллар билан фош этиб, аҳолини, айниқса, ёшларни алдовларга учмасликка чақирмоқдалар.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври ичида Дин ишлари бўйича қўмита ЎМИ, ТИУ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда 200 дан зиёд маърифий тадбирлар ташкил этди⁷. ДИҚ, ТИУ, ЎМИ интернет сайтларига мавзуга оид юздан зиёд мақолалар жойлаштирилди.

Шу билан бирга, диний экстремистик гуруҳлар, жиҳодий жамоа ва уларнинг даъватчилари томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг тобора кенгайиб бораётгани республикамиздаги давлат ва жамоат ташкилотларининг аксилтарғибот ишларини фаоллаштириши, уларни янги, таъсирчан ва оммабоп усул ва шаклларни амалга оширишни тақазо этмоқда.

Экстремизм ва терроризмга қарши кураш давлатларнинг доимий эътиборини, унинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кўп қиррали сиёсатни амалга оширишда сабрлилик ва собитликни талаб этади. Шаклланиб, кенг тармоқ отган экстремизм ва терроризмга қарши курашмаган давлатлар заифлашиб, ўз халқи ва мамлакати осойишталиги ва барқарор ривожланишини хавф остида қолдиради. Дарҳақиқат, экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона

⁷<https://www.gazeta.uz/2021/02/04>



жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичларидир. Шундай экан, экстремизм ва терроризм глобал миқёсга чиққан ҳозирги шароитда, давлат унга қарши курашда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мувозанатлаштирилган стратегияни илгари суриши керак.

Айни пайтда экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таъқиқланган ҳар қандай фаолият Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда биринчи навбатдаги вазифалардан бири минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида ҳам “2021-2026-йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси”⁸ни (кейинги ўринларда Миллий стратегия) қабул қилиниши мазкур ноқонуний фаолиятни мамлакатимиз ва қўшни давлатларда нафақат авж олишини балки, ушбу фаолиятга қарши курашишга қаратилган чоратадбирларни ўзида мужассамлаштиради ҳамда бир қатор устувор йўналишлар ва асосий вазифаларни амалга ошириш зарурлигини талаб этади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар “Миллий стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

ватанларварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик мафкурасини тарғиб қилиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш;

аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;

узоқ муддат хорижда булган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш;

фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш;

экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш;

экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив- ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ушбу соҳадаги халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш”⁹.

XX асрнинг охирларида экстремизмнинг турли кўринишлари дунёнинг кўп мамлакатларида, хусусан, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақасида ҳам ўзини намойён эта бошлади. Турли диний экстремистик ташкилотлар (“Ҳизб ут таҳрир”, “Ўзбекистон

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон Фармони. 01.06.2021 й. <https://lex.uz/docs/5491626>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон Фармони. 01.06.2021 й. <https://lex.uz/docs/5491626>



ислом ҳаракати”, “Ироқ ва Шом ислом давлати”) янгидан мустақилликни қўлга киритган дунёвий давлатларга таҳдид солишни бошладилар. Улар вақтинчалик қийинчиликларни рўкач қилиб, аҳолини, айниқса, ёшлар онгини ақидапарастлик ғоялари билан заҳарлашга уриндилар. Фарзандларни йўлдан уришга, ўз ота-онасига, ака-укасига, ўзи туғилиб ўсган Ватанига, қарши қўйишга ҳаракат қилдилар. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар ҳали ҳануз ўз мақсадларига эришишда онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризм халқаро хавфсизликка, шу жумладан Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Экстремизм ва терроризм хавфи ҳамда таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси ҳар томонлама ўйланган тинчликсевар, прагматик ва изчил ташқи сиёсатни олиб бориб, экстремизм ва терроризмнинг умумий таҳдидларига қарши курашишда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва тамойилларини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

Республикаимизда Президентимиз бошчилигида ҳукуватимиз томонидан экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида жаҳон ҳамжамияти учун намуна бўлиши мумкин бўлган самарали ишлар қаторида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида мазкур шахслар билан кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда тушунтириш-профилактика ишларини тизимли ташкил қилиш, уларни махсус рўйхатдан чиқариш бўйича механизм яратилди. Мазкур механизмнинг самараси сифатида ақидапарастлик ғоялари таъсирига тушган 16 мингдан зиёд фуқароларнинг ички ишлар органларининг махсус ҳисобидан чиқарилиши жамиятда катта ижобий резонанс берди;

ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш, маърифий ислом таълимоти, буюк аجدодларимизнинг улкан маънавий меросини чуқур ўрганиш, жамиятда диний ва миллий бағрикенглик ва ҳамкорликни мустаҳкам қарор топтириш орқали аҳоли, айниқса, ёшларда ақидапараст ғояларга нисбатан мустаҳкам маънавий ҳимоя қобиғи шакллантириш мақсадида Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Самарқандда ҳадис ва калом илми мактаби, Бухорода тасаввуф мактаби, Қашқадарёда ақида мактаби, Фарғонада ислом ҳуқуқи (фиқҳи) илмий мактаблари очилди. Шунингдек, республикада мавжуд



диний конфессия раҳбарлари ҳамда барча дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг диний экстремизмга қарши кураш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамкорликни янада кучайтиришга йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури қабул қилинади. Ушбу дастур доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла йиғинларида, аҳолининг турли қатламлари орасида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган;

ақидапарастлик ғоялари тарқалишини олдини олиш учун ОАВ ва бошқа ахборот етказиш воситаларидан самарали фойдаланишга урғу берилмоқда;

хориждаги меҳнат мигрантлари, талабалар ва вақтинча истиқомат қилаётган ватандошларимизни экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан ҳозирги кунда экстремизм ва терроризм дунё хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий хатарлар қаторида қолмоқда. Шу муносабат билан, ушбу салбий ҳодисаларга қарши курашиш нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳал қилиниши зарур бўлган умумий муаммодир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон экстремизм ва терроризм таҳдидлари ва зарарларини бошидан кечирган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ушбу иллатларга қарши курашиш, олдини олиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига намуна бўла оладиган даражада ўзига хос тажриба шаклланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш лозим”¹⁰.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, юртимизда ижтимоий-маънавий ва диний вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, турли диний экстремистик оқимларга қарши курашни янада фаоллаштириш ҳамда аёллар ва ёшларни ёт ғояларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида диний соҳа ходимлари қуйидагиларга аҳамият қаратиши зарур ҳисобланади:

жойларда фуқаролар ичида дин билан боғлиқ жараёнлардан доимий равишда бохабар бўлиб юриш, вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича мутасадди ташкилот ва идоралар билан амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш;

ўқув муассасалари, маҳалла йиғинлари, корхона ва ташкилотларда ёшларни дунёвийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш;

¹⁰ Шавкат Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ. 2021 йил 6 ноябрь. // www.president.uz



таълим муассасаларида “Тинчлик энг олий неъмат”, “Ислонда экстремизм ва терроризмга ўрин йўқ”, “Диний-экстремистик оқимлар – давлат ва жамиятга таҳдид” каби мавзуларда давра суҳбати ва семинар-машғулотлар сон ва сифатини ошириш, тадбирларда диний экстремистик ва террористик гуруҳларнинг асл қиёфасини фоти этувчи, жиноятлари акс этган видеотасвирлардан фойдаланиш;

жойларда масжид ва алоҳида уйларда (хужраларда) ноқонуний диний таълим бериш ҳолатларига барҳам бериш юзасидан тушунтириш ишлари тизимли ўтказиш;

маҳаллий ОАВда диний экстремизм ва миссионерлик ғояларининг жамиятга таҳдиди ҳақида давра суҳбатларида иштирок этиш, халқаро терроризм ҳамда диний экстремизм ғоялари замирида ғаразли геосиёсий мақсадлар ўтганлиги, ақидапарастлар ислонни бузиб талқин қилишларини асосли тарзда фоти этувчи чиқишларни кўпайтириш;

динийэкстремистик оқимлар таркибида содир этган жинояти учун жазо ўтаган, ҳозирда тузалиш йўлига кирган ва амнистия туфайли озодликка чиққан шахслар билан ўтказиладиган тарбиявий ишларда қатнашиш, уларга ақидапарастликнинг асл моҳияти ва зарарли оқибатларини тушунтириш билан ижобий таъсир ўтказишга урғу бериш.

Тинчликни асраш хушёрлик ва огоҳликни талаб қилади. Шу нуқтаиназардан, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олган ҳозирги замонда халқимизда, айниқса, ёшларда миллий ғурур, ифтихор туйғусини янада чуқурроқ шакллантириш, ўт ғоялардан сақловчи мафкуравий иммунитет шакллантириш Ўзбекистондек буюк Ватанимиз келажагига ўзини маъсул ҳисобловчи барча юртдошларимизнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади.